

## **Ҳамма ўқиши шарт!**

*(Стив Жобснинг Стэнфорд университети битирувчиларига қилган маърузаси)*

### **Биринчи ҳикоя – нуқталарнинг бирлашиши ҳақида**

Ўқишнинг олтинчи ойида мен Reed College дан кетишга қарор қилдим. Бу қарорга келганимдан кейин ҳам 18 ой эркин тингловчи сифатида дарсларда қатнашиб юрдим. Нима учун ўқишни ташладим?

Ҳаммаси мен туғилишимга қадар содир бўлганди. Тукқан онам жуда ёш, шу билан биргаликда ҳали турмушга чиқиб улгурмаган аспирант бўлган. Ёшлиги, бунинг устига турмушга чиқмаганлиги, қолаверса аспирантлиги сабаб бўлиб туғилганимдан кейин мени кимларгадир боқиб олишга беришга қарор қилган. Албатта, мени боқиб олишнинг ўзига яраша шартлари бўлган. Энг асосийси, у оила олий маълумотли бўлиши талаб этилган. Мени фарзанд сифатида қабул қилмоқчи бўлган оила вакиллари қиз бола туғилишини исташган. Шунинг учун ҳам мен туғилган тунда уларга кўнғироқ қилишиб: «Қутилмаганда ўғил бола туғилиб қолди. Боқиб олаверасизларми?» – деб сўрашган. Улар розилик билдиришган. Бу воқеалардан кейин тукқан онам, боқиб олмоқчи бўлган онамнинг коллеж, отамнинг бўлса ҳатто мактаб битирувчиси ҳам бўлмаганлигини билиб қолиб, боқиб олиш ҳақидаги ҳужжатларга қўл қўйишдан бош тортади. Фақатгина орадан бир неча ойлар ўтиб, ўғай ота-онам мени коллежда ўқитишга ваъда беришгандан сўнггина ҳужжатларга қўл қўйган.

Мен орадан ўн етти йил ўтиб коллежга ўқишга бордим. Буни қарангки, мен ихтиёр этган коллежда ўқиш жуда қиммат эди ва ота-онамнинг бутун йиғиб-тергани ўқиш учун тайёргарликка сарфланиб битди. Орадан олти ой ўтгач, коллежда ўқишимдан маъно тополмай қолдим. Ҳаётдан, ўз ҳаётимдан нима хоҳлашимни билмасдим, тушунмасдим. Энг ачинарлиси, ота-онамнинг жами топганларини ҳавога совургандим. Мана шулар сабаб бўлиб, ўқишдан кетишга ва ҳали ҳаммаси олдинда, деб ўзимни ишонтиришга мажбур бўлдим. Аввал бошида бу ҳаракатларимдан жуда хавотирга тушганман. Лекин, ҳозир ортга қараб, ўтган ҳаётимга назар ташлайдиган бўлсам, бу менинг ҳаётимда қабул қилган энг тўғри қарорим бўлганлигига ишонч ҳосил қиламан.

У ерда ўргатиладиган нарсалар мен учун қизиқарли эмасди. Бундан ташқари, бошқа муаммолар ҳам бор эдики, улар менинг кетиш масаласини узил-кесил ҳал қилишимга сабаб бўлди. Бу сабаблардан бири менинг талабалар ётоқхонасида жойим йўқлиги эди. Ўртоқларимнинг хоналари полларида ётиб кун кўрардим. Бундан ташқари, тановулим учун Cola идишларини йиғиб, 5 центдан топшириб пул ишлардим. Ва ҳафтада бир маротаба тўйиб овқатланиш учун якшанба кунлари бутун шаҳарни пиёда босиб ўтиб, кришначилар ибодатхонасига борардим...

*(Стивен Пол Жобс (Стив Жобс исми билан машҳур) 1955 йилнинг 24 февралда Американинг Калифорния штатида, Сан Францискода дунёга келади. Американинг Apple Inc компанияси асосчиси ва бош директори.*

*1970 йилларнинг охирида Стив Жобс ва унинг жамоаси дунёдаги энг биринчи ва ҳар томонлама қулай компьютерни яратишади.*

*1985 йили Жобс фикрлар қарама-қаршилиги боисидан директорлар кенгаши билан чиқиша олмай Apple Inc компаниясидан кетади ва NeXT компаниясига асос солади.*

*Бундан ташқари Lucasfilm дан The Graphics Group ни сотиб олади ва уни кейинчалик Pixar деб номлайди (Pixar дунёдаги биринчи анимацион студия. Ҳозирга қадар ҳам ундан ўтадигани йўқ).*

*Шу билан бир қаторда, Стив Жобс The Walt Disney (Волт Дисней) компаниясининг директорлар кенгаши аъзоси.*

*У 2006 йили «Fortune» журналида дунёнинг энг омадли ишлаб чиқарувчиси сифатида тан олинган. 2009 йилга келиб дунёнинг энг омадли топ-менеджерлари рўйхатига киритилган)*

Reed College ҳар доим ҳаттотликдан энг яхши дарсларни таклиф қилар эди. Бинодаги ҳар бир ёзув ҳаттотлар томонидан, қўлда ёзилганди. Бу борадаги қизиқишларим бошқалардан фарқ қилганлиги учун мен оддий дарслардан кетиб ҳаттотлик машғулотларига қатнай бошладим. Машғулотларга қатнар эканман serif ва sans serif ҳақида, ҳарфларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳаттотликнинг босмадаги ўрни ҳақида билиб олдим. Булар шу қадар гўзал, тарихий ва мохирона эдики, назаримда фан буни тушунишга қодир эмасди.

Ўша пайтларда буларнинг бирортаси мен учун умуман фойдали бўлмаган. Бироқ, орадан ўн йил ўтиб, қачонки биз Макентошни (энг мукамал компьютер тури) ихтиро қилганимизда, машғулотларда ўрганганларим кўп фойда берди. Ва Макентош биринчи ва энг гўзал босмали компьютер сифатида дунёга келди. Агар мен ҳаттотлик машғулотларига қатнамаганимда Макентошда бу қадар ҳарфлар хилма-хиллиги бўлмасди. Windows буларни шунчаки Макентошдан кўчириб олди. Агар мен коллеждан кетиб, ҳаттотлик машғулотларига ёзилмаганимда компьютерларда ҳозиргидек ҳайратланарли ёзувлар бўлмаган бўлар эди.

Албатта, мен коллежда ўқиб юрган вақтларимда ҳаётимдаги бу нуқталарни бирлаштира олмасдим. Аммо орадан ўн йил ўтиб, ҳаммаси ойдек равшан бўлди. Айтмоқчиманки, келажагингизга қараб, у ердаги нуқталарни ҳеч қачон бирлаштира олмайсиз. Сиз уларни ўтган ҳаётингизга назар ташлабгина бирлаштиришингиз мумкин. Шунинг учун ҳам келажагингиз билан боғлиқ нуқталарга ишонишингизга, умид боғлашингизга тўғри келади. Келажакни билиш имкони йўқ экан, энди сиз хулқингизга, ҳаётингизга, бахтингизга, қалбингизга таянишга, таваккал қилишга мажбурсиз. Бу каби ёндошув ҳали бирор маротаба мени уялтириб қўйгани йўқ ва аксинча, у менинг ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди.

### **Иккинчи ҳикоя – севги ва йўқотишлар ҳақида**

Менга омад кулиб боқиб, ўзим учун маъқул ишни анча эрта топдим. Ота-онамнинг омборхонасида ўтириб Apple га асос солганимда эндигина 20 ёшда эдим. Биз бу борада қаттиқ ишладик ва орадан ўн йил ўтиб омборхонадаги икки кишилик Apple – 2 млрд. долларлик қийматга эга бўлган, 4000 одамни иш билан таъминлаган катта компанияга айланди. Энг катта ютуғимиз – Макентошни чиқара бошлагимизда, мен эндигина 30 ёшда эдим. Кейин мени ўзим асос солган ишдан ҳайдади!.. Қандай қилиб, деб савол беришингиз табиий. Гап шундаки, биз Apple ни бошқаришда менга ёрдам беришлари учун бир неча иқтидорли одамларни ишга таклиф қилган эдик. Аввал бошида ҳаммаси яхши кечган. Кейинчалик эса бизнинг келажак ҳақидаги қарашларимиз бир-бирига зид бўлиб чиқди ва тортишиб қолдик. Директорлар кенгаши менга қарши томонга ўтишди ва мен 30

ёшимда ўзим асос солган Apple дан ҳайдалдим. Ўша пайтларда мен учун қадрли бўлган ҳамма нарсадан, энг асосийси, ҳаётимнинг моҳиятидан ажралиб қолганман...

Бир неча ой нима иш билан шуғулланишни билмай, ўзимни эстафета таёқчасини манзилигача етказа олмаганликда айблаб юрдим. Бу орада Давид Пакард ва Боб Нойс билан учрашиб, қилган ишларимдан омма олдида узр сўрадим. Ўша пайтларда тушқун кайфиятда қолганлигим боисидан, кинолардагидек узоқ-узоқларга қочиб кетиш ниятида ҳам бўлганман. Шукрки, бу ҳол узоқ давом этмади ва менинг ички ҳолатим ўзимга қайта бошлади. Apple билан боғлиқ дилхираликлар менинг ҳаётимни бирозгина ўзгартира олди, холос. Мен инкор этилгандим, аммо севишдан тўхтамагандим. Ва охир-оқибат ҳаммасини бошидан бошлашга қарор қилдим.

Ўшанда дарров англаб етмаганман, кейин ўйлаб қарасам Apple дан кетишим мен учун айти муддао бўлган экан. Мен буткул озод одамга айландим, мени ушлаб турган нарсалардан қутулдим ва ҳаёт дафтаримнинг янги саҳифаларини ёзишга киришдим. Кейинги 5 йил ичида NeXT, кейинчалик Pixar (Pixar энг биринчи анимацион фильмни яратди ва у ҳозир дунёдаги энг зўр анимацион студия ҳисобланади) компанияларига асос солдим ва ҳаёт йўлларимиз туташиб кетган гўзал аёлга ошиқ бўлиб, у билан оила қурдим.

Тақдирнинг ажойиб ўйинларини қарангки, ўзим асос солган Apple компанияси, ўзим асос солган NeXT компаниясини сотиб олди ва мен шу баҳона бўлиб яна Apple да ишлай бошладим. Агар мени ўша пайтларда ишдан ҳайдашмаганда, ҳаётимнинг мазмуни – аёлим Лаурене билан ҳеч қачон учрашмаган бўлар эдим, балки...

Табиб таклиф қилган дори аччиқ бўлади, лекин у беморга ёрдам беради. Гоҳида ҳаёт бошингизга ғишт билан уради. Ўшандай пайтларда ишончингизни йўқотманг. Ишончим комилки, менинг ишни давом эттиришимга, тўхтаб қолмаслигимга сабаб бўлган асосий нарса – бу менинг ўз ишимга бўлган муҳаббатимдир. Худди шундай сиз ҳам ҳаётингизни тўлдириб турадиган, ҳеч бир шубҳага ўрин қолдирмайдиган, сеvimли бўлган ўз ишингизни топишингиз керак. Буюк ишларга қўл уриш, сабаб бўлиш, эришиш ўша ишни севишдан бошланади. Агар сиз ҳозирга қадар ҳам сеvimли ишингизни топмаган бўлсангиз тўхтаманг, қидиришда давом этинг. Бу ҳам кўнгил ишларига ўхшайди. Ҳадеганда топилавермайди. Лекин сиз олдингизга «топман» деган қаттиқ талабни қўйинг ва топмагунингизча ҳаракатни давом эттиринг.

### **Учинчи ҳикоя – ўлим ҳақида**

17 ёшимда қаердадир ўқигандим: «Агар ҳар куни, бугун энг сўнгги куним деб яшасангиз, қачондир албатта, ҳақ бўлиб чиқасиз». Бу сўзлар шууримга шу қадар ўрнашиб қолдики, мана шунча йиллар давомида ҳар куни эрталаб кўзгу ёнида туриб ўзимдан: «Агар бугун энг сўнгги кунинг бўлганида нима қилган бўлардинг?» – деб сўрайман. Бу саволни беришим билан ҳаётимдан беҳуда ишлар ўз-ўзидан узоқлашади ва ҳар доим ниманидир яхши томонга ўзгартиришим кераклигини англаб етман.

Ўлимни эслаш ҳаётимдаги энг оғир, қийин пайтларда аниқ тўхтамларга келишимга ёрдам беради. Нимагаки, бегона ўйлар, кераксиз кибрлар, инкироздан, йўқотишдан чўчиш, буларнинг ҳаммаси ўлимни эслашингиз билан йўққа чиқади ва қаршингизда фақатгина қилиниши шарт бўлган, асосий ишлар қолади. Ўлимни ёд этиш қалбингиздан «ниманидир йўқотиб қўйишим мумкин», деган ўйни юлқиб ташлайди ва сиз яланғоч қоласиз. Энди сизда юрагингизга қарши бориш учун ҳеч бир сабаб, ваз йўқ.

Чамаси бир йил аввал шифокорлар менга саратон касаллиги ташҳисини қўйишди ва менга рентген суратлари орқали ошқозон ости безидаги ўсимтани кўрсатишди. Мен ҳатто, ошқозон ости бези нима эканлигини ҳам билмасдим. Шифокорлар менга саратоннинг бу турини даволашнинг имкони йўқлигини, олти ойлар чамаси умрим қолганлигини, уйга бориб тугатилмаган ишларимни охирига етказишимни, қўпол қилиб айтганда, ўлимга тайёргарлик кўришимни маслаҳат беришди.

Мен ўн йил давомида ҳар куни ўзимга «бугун энг сўнгги кунинг», дея эслатиб яшадим. Энди эса бу ҳолни вақти келиб жуда оғир бўлмаслиги учун оиламга, фарзандларимга ҳам айтишим керак эди. Яъни, улар билан хайрлашиш вақти келганди...

Мен шифокорларнинг бу ташҳиси билан кун давомида яшадим. Фақат кечга бориб эндоскоп орқали текшириб кўришди ва ошқозон ости безидаги ўсимтадан бир неча хужайраларни олишга мушарраф бўлишди. Мен бу пайтда ҳушсиз ётганман. Кейинчалик аёлимнинг айтиб беришича, шифокорлар мендан олинган хужайраларни текширишар экан хурсандликларидан қичкириб юборишган. Сабаби, саратоннинг менда учраган тури жуда камёб бўлиб, ўсимтани жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш мумкин экан. Жарроҳлар қаттиқ тер тўкишди ва бугун кўриб турганингиздек соппа-соғман.

Ўшанда ўлим билан юзма-юз бўлдим. Айтишим мумкинки, ҳеч ким ўлишни истамайди. Ҳатто жаннатга тушишим мумкин деб ўйлаганлар ҳам ўлимдан чўчишади. Нима бўлмасин, ўлим барчамизнинг бошимизда бор. Ундан қочиб қутулишнинг имкони йўқ. Шундай бўлиши ҳам керак, нимагаки ўлим, менинг назаримда, одам боласи ҳаётидаги энг сирли ҳодиса. У эскиларни тозалаб, янгиларга йўл очади. Ҳозир ёшсиз, бир кун қарийсиз ва «тозаланасиз». Бу совуқ гапларимдан ранжиманг! Асл ҳақиқат шу!

Бизнинг вақтимиз чегараланган, шундай экан, ҳаётингиздан бегона нарсаларни супуриб ташланг. Сиз учун мутлақо ёт бўлган фикрлар, ғоялар гирдобига тушиб қолманг. Бошқа овозларнинг ўз ички овозингизни бўғиб ташлашига йўл қўйманг. Аксинча, қалбингизга қулоқ солинг ва у сизга энг тўғриси айтиди. Қолган ҳамма нарсалар иккинчи даражали.

...Олтмишинчи йилларнинг охирилари эди. У пайтлари жуда ёш эдим. The Whole Earth Catalog (Бутун дунё каталоги) нашрида Стивард Брэнд исмли йигит хайратланарли мақолалар ёзди. Унинг мақолалари янгидан-янги ғояларга кўмилиб кетганди.

Стивард ва унинг жамоаси The Whole Earth Catalog нинг бир нечта сонини чиқаришди. Етмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб нашрнинг энг сўнгги сони босилди. The Whole Earth Catalog нинг энг сўнгги бетида эрта тонг, узун йўл, саргузашт талаблар машина тўхтатиб йўлга тушиб кетиши мумкин бўлган расм тасвирланган. Расм тагида шундай сўзлар ёзилганди: «Оч ва телбалигингизча қолинг!». Бу уларнинг хайрлашув сўзи эди ва мен бутун умрим давомида ўзимга ана шу ҳолни – «оч ва телбалигимча қолиш»ни тилаб яшадим. Бугун сизга ҳам шу тилакни билдирмоқчиман:

**«Оч ва телбалигингизча қолинг!...»**

**Таржимон: Абдукарим МИРЗАЕВ**